

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРАКУЛОВ ЖАХОНГИР УЛУГБЕКОВИЧ

КАЛЬЦИЙ АЦЕТАТИНИНГ АЙРИМ АМИДЛИ, НИКОТИН ВА БЕНЗОЙ  
КИСЛОТАЛИ КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗИ,  
ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

02.00.01 – Ноорганик кимё  
(кимё фанлари)

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical  
sciences**

**Туракулов Жахонгир Улугбекович**

Кальций ацетатининг айрим амидли, никотин ва бензой кислотали  
координацион бирикмаларининг синтези, тузилиши ва  
қўлланилиши..... **3**

**Туракулов Жахонгир Улугбекович**

Синтез, строение и применение координационных соединений ацетата  
кальция с некоторыми амидами, никотиновой и бензойной кислотами  
..... **21**

**Turakulov Jakhongir Ulugbekovich**

Synthesis, structure and using of coordination compounds of calcium acetate  
with some amides, nicotinic and benzoic acids ..... **39**

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works..... **42**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ

ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ

DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ТУРАКУЛОВ ЖАХОНГИР УЛУГБЕКОВИЧ

КАЛЬЦИЙ АЦЕТАТИНИНГ АЙРИМ АМИДЛИ, НИКОТИН ВА БЕНЗОЙ  
КИСЛОТАЛИ КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИ СИНТЕЗИ,  
ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

02.00.01 – Ноорганик кимё  
(кимё фанлари)

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К31 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Азизов Тохир Азизович**  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Умаров Бако Бафоевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Кадирова Зухра Чингизовна**  
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгашининг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru). Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биносининг 2-қават 217-хонасида ўтказилади).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.:(99871) 246-67-71).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.ф.д., профессор

**Н.А.Парпиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор, академик

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кимё, нефть, энергия, енгил ва қурилиш саноатларининг кескин ривожланиши ҳисобига экологик муаммоларни келиб чиқиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар янги турдаги кимёвий бирикмаларга бўлган талабни янада кучайтирмоқда. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшадиган, самарали хусусиятларга эга бўлган, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган янги координацион бирикмаларни синтез қилишда яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли аҳолини сифатли, арзон, захарсиз маҳсулотлар билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги тармоқлари кенгайиб ва ривожланиб борган сари ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи ва уларнинг ҳосилдорлигини оширувчи кимёвий воситаларга бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Айниқса, комплекс хоссага эга стимуляторларни синтез қилиш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб, бу борада дунёнинг етакчи олимлари томонидан кўпгина ишлар, жумладан, полидентат лигандлар ва металл карбоксилатлари асосида янги биологик фаол моддаларни яратишнинг назарий ва амалий масалаларини ечиш учун маълум таркиб ва тузилишли металлокомплексларни йўналтирилган синтези борасида кўплаб ишлар амалга оширилган.

Республикамизда маҳаллий хом-ашёлар асосида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги стимуляторлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлигини оширувчи, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи, сув сарфини камайтирувчи, полифункционал таъсирли экологик тоза янги турдаги арзон препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

иктисодиёти тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом-ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3479-сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4265-сон Қарорлари ва шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Органик лигандлар билан қатор металл карбоксилатларининг координацион бирикмалари синтези, таркиби, тузилиши, термик таҳлили, электрон тузилиши, реакция қобилияти ва биологик хоссалари бўйича жаҳон миқёсида ва республикамизда қуйидаги тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар олиб борилган: М.А. Порай-Кошиц, К.С. Сулаймонкулов, Г.В. Цивадзе, Г.В. Цинцадзе, Ю.А. Харитонов, М.А. Азизов, В.В. Скопенко, W.C. Hamilton, M.E. Stone, H.A. Парпиев, X.T. Шарипов, O.A. Шабилотов, X.X. Ҳақимов, O.Ф. Ҳоджаев, X.X. Тўраев, K.A. Спицин, A.A. Войтук, Ю.М. Возняковская, Ю.Н. Кукушкина, A.Д. Гарновский, T. Uno, L. Steward, E.B. Горенбейн, P.S. Gentile, D.Y. Naumov, Э.Е. Быков, M. Nardelli, A.H. Юнусходжаев, M.H. Набиев, B.T. Ибрагимов, A.Ф. Дусматов, B. Cozlevcar, X. Исаков, A.M. Насимов, B.B. Умаров, Ш.А. Кадирова, Ш.Ш. Даминова, З.Ч. Кадирова ва бошқалар. Бугунги кунга келиб механокимёвий усул билан координацион бирикмаларнинг синтези бўйича катта тажрибалар ва назарий материаллар тўпланган. Бу борада Hao Wu, Qiang Li, И.А. Туманов, Ф. Томислав, X. Иван, С. Вжекослав, E. Merjana, E.D. Robert, A.L. Garay, P. Anne ва L. Stuart каби олимларнинг изланишлари алоҳида эътиборлидир.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, металл карбоксилатларнинг амидлар билан комплексларини ўрганиш бўйича кенг тажрибали материаллар бўлишига қарамасдан, кальций ацетатининг аралаш лигандли координацион бирикмаларининг «таркиб-тузилиш-хосса» боғлиқлигини ва уларни олишнинг қонуниятларини аниқлаш, улардан амалда фойдаланиш, биологик фаолликларини ўрганиш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т168 «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг синтези, тузилиши, кристалл ва электрон структураси, реакция қобилиятлари, кимёвий ва биологик хоссаларини илмий асосларини қайд қилиниши» (2012-2016 йй.) ва ФА-Ф7-012 «Полифункционал таъсирли янги аралаш лигандли координацион бирикмаларнинг синтези, тузилишининг

ўзига хослиги, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кальций ацетатининг айрим амидли, никотин ва бензой кислоталари билан янги координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг таркиби, тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кальций ацетатининг айрим амидлар, никотин ва бензой кислоталари билан бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш;

олинган координацион бирикмаларнинг таркиби, индивидуаллиги, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиш;

амид молекулалари, бензой, никотин кислоталари ва сирка кислотасининг ацетат анионларининг координацион рақобатланиш сабабларини аниқлаш;

координацион бирикмаларнинг термик хусусиятларини аниқлаш;

кальций ацетатининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг электрон тузилиш геометрияси, энергетик параметрлари ва реакция қобилиятини квант-кимёвий оптималлаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

синтез қилинган координацион бирикмаларнинг биологик фаоллиги, заҳарлилиги ва қўлланилиш соҳасини аниқлаш.

**Тадқиқот объектлари** сифатида кальций ацетат, формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталаридан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети** кальций ацетатининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг таркиби, тузилиши, индивидуаллиги, физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Элемент таҳлил, дифференциал термик таҳлил, рентгенофазавий таҳлил, ИҚ-спектроскопия ва квант-кимёвий ҳисоблаш усули.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор кальций ацетатининг 54 та янги айрим амидли, никотин ва бензой кислотали аралаш лигандли координацион бирикмалари синтез қилинган;

рентгенфазовий таҳлил ва ИҚ-спектроскопия усуллари ёрдамида синтез қилинган бирикмаларнинг индивидуаллиги, лигандлар ва ацетат анионининг марказий ионга нисбатан координацияланиши аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг термик хоссалари аниқланган ва термолизнинг оралик маҳсулотлари идентификацияланган;

квант-кимёвий усуллар ёрдамида синтез қилинган бирикмаларнинг энергетик параметрлари, атомларда зарядлар тақсимланиши, геометрияси ва реакция қобилияти аниқланган;

ғўза ўсимлигини ўсишини тезлаштирувчи ва пахта ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали стимуляторлар яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кальций ацетатининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез шароитлари аниқланган;

металл ионини органик лигандлар билан комплекс ҳосил қилиш жараёнларини компьютерда моделлаштириш орқали уларнинг тузилишларидаги ўзига хосликлар аниқланган;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи, ҳосилдорлигини оширувчи, кам захарли ҳамда самарали  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  стимуляторлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ИҚ-спектроскопия, рентгенфазовий, элемент, дифференциал термик таҳлил, биологик таҳлил, квант-кимёвий ҳисоблаш каби замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиб олинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган моддаларнинг таркиби, тузилиши, координацион сферага жойлашиш учун лигандлар ўртасидаги рақобат, атомлар орасидаги боғларнинг узунлиги, атомлардаги зарядларнинг тақсимланиши ва кальций иони табиати таъсирининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта учун кам захарли ва самарали ўстирувчи ва ҳосилни эрта етиштирувчи ҳамда сув сарфини камайтирувчи стимуляторлик хоссаларига эга бўлган полифункционал таъсирли координацион янги бирикмалар тақлиф этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кальций ацетатининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтези, тузилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

СаАКТК стимуляторининг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 09 январдаги №02-023-7-сон маълумотномаси). Натижада СаАКТК стимулятори билан ишлов берилганда чигитнинг униб чиқиши муддати 5-7 кунга, пахтанинг очилиш муддати 7-10 кунга қисқарган ва ҳосилдорлик 10-15% га ошиш имконини берган;

янги синтез қилинган стимуляторнинг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 09 январдаги №02-023-7-сон маълумотномаси). Натижада СаАКТК стимулятори билан ишлов берилганда сувнинг транспирация жараёни 15-20% га камайиш имконини берган;

синтез қилинган комплекс бирикмалардан ФА-Ф7-010 рақамли "Наноструктурали фожазит типдаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши" мавзусидаги фундаментал лойиҳасида комплекс бирикмаларнинг фаол биологик хусусиятлари наноструктурали фожазит типдаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 30 ноябрдаги 4/1255-3139-сон маълумотномаси). Натижада тиокарбамидли комплекс бирикмалар боғлар узунлиги ва атомлардаги зарядларнинг тақсимланишини ҳисоблаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металларнинг координацион бирикмалари билан ёғ кислоталари вакиллари, алифатик амидлар, карбон, тиокарбон, ароматик ва гетероциклик кислоталарининг тадқиқот ҳолати”** деб номланган биринчи бобида синтез бўйича адабиётларни ўрганиш, органик бирикмалар билан карбон кислота тузларининг тузилишини физик-кимёвий хоссаларини, формамид –  $\text{HCONH}_2$ , ацетамид –  $\text{CH}_3\text{CONH}_2$ , карбамид –  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ , тиокарбамид –  $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ , нитрокарбамид –  $\text{O}_2\text{NHNCONH}_2$ , никотинамид –  $\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ , никотин –  $(\text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH})$  ва бензой ( $\text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ) кислоталар билан ҳосил қилган металл тузларининг координацион бирикмалари ва металл карбоксилатлари асосидаги ўсимликларни ўсишини жадаллаштирувчи стимуляторларни ўрганиш таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Кальций ацетатини бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг олиниши” деб номланган иккинчи бобида реактивларни, қурилмаларни, синтез усулларини ва дастлабки моддаларни танлаш, кальций ацетатининг формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталари билан бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтезини амалга ошириш ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётларда кальций ацетатининг амидлар, никотин ва бензой кислоталари билан координацион бирикмалари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Комплекс бирикмаларни синтез қилиш учун биз энг самарали усуллардан бири бўлган механохимёвий усулни танладик, чунки ушбу усулда қимматбаҳо органик эритувчилар талаб қилинмайди.

Дастлабки компонентларнинг ўзаро таъсирлашиш жараёни кальций ацетатининг органик лигандлар билан 1:2, 1:4 ва 1:1:1 нисбатларида шарли тегирмонда жадал таъсирлаштириш орқали амалга оширилди. Ушбу усулда қолган бирикмалар ҳам синтез қилинган.




**1-расм. CaA·ФА·АНК·Н<sub>2</sub>О бирикмасининг ҳосил бўлиш реакция тенгламаси.**

CaA·ФА·АНК·Н<sub>2</sub>О таркибли комплекс бирикма синтези 0,4505 г (0,01 моль) формаид, 1,2211 г (0,01 моль) никотинамид ва 1,7619 г (0,01 моль) Ca(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>·Н<sub>2</sub>О кальций ацетатини 0,3 соат давомида хона ҳароратда шарли тегирмонда таъсирлаштириш орқали олиб борилди. 1-расмда Ca(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>·HCONH<sub>2</sub>·NC<sub>5</sub>H<sub>4</sub>CONH<sub>2</sub>·Н<sub>2</sub>О координацион бирикмасининг реакция тенгламалари келтирилган. Ҳудди шундай усулда қуйидаги таркибий бирикмалар ҳам олинган:

- |   |   |
|---|---|
| 1) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·2HCONH <sub>2</sub> ·Н <sub>2</sub> О,                   | 29) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·O <sub>2</sub> NHNCONH <sub>2</sub> ,                                  |
| 2) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4HCONH <sub>2</sub> ·2,5Н <sub>2</sub> О,                | 30) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·NC <sub>5</sub> H <sub>4</sub> CONH <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О, |
| 3) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·2CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ,                     | 31) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·C <sub>6</sub> H <sub>5</sub> CONH <sub>2</sub> ,                      |
| 4) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О, | 32) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·NC <sub>5</sub> H <sub>4</sub> COOH·Н <sub>2</sub> О,                  |
| 5) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·2CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О, | 33) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CH <sub>3</sub> CONH <sub>2</sub> ·C <sub>6</sub> H <sub>5</sub> COOH,                                    |
| 6) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О, | 34) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·CS(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О,                |
| 7) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·2CS(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ,                     | 35) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·O <sub>2</sub> NHNCONH <sub>2</sub> ,                                  |
| 8) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·4CS(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ,                     | 36) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·NC <sub>5</sub> H <sub>4</sub> CONH <sub>2</sub> ·0,5Н <sub>2</sub> О, |
| 9) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·2O <sub>2</sub> NHNCONH <sub>2</sub> ,                   | 37) Ca(CH <sub>3</sub> COO) <sub>2</sub> ·CO(NH <sub>2</sub> ) <sub>2</sub> ·C <sub>6</sub> H <sub>5</sub> CONH <sub>2</sub> ·Н <sub>2</sub> О,     |

- 10)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 11)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 12)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ ,  
 13)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2$ ,  
 14)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2$ ,  
 15)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH}$ ,  
 16)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH}$ ,  
 17)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 18)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 19)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  
 20)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 21)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2/3\text{H}_2\text{O}$ ,  
 22)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  
 23)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 24)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 25)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 26)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 27)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 28)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 38)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 39)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 40)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 41)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ ,  
 42)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 43)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  
 44)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 45)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 46)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 47)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 48)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 49)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2$ ,  
 50)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  
 51)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 52)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  
 53)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ ,  
 54)  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$

Диссертациянинг “Кальций ацетатининг бир турли ва аралаш лигандли комплекс бирикмаларининг физик-кимёвий таҳлили” деб номланган учинчи бобида формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, бензой ва никотин кислоталари, кальций ацетати ва уларнинг янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг ўзаро текисликлараро масофалари ва нисбий сезгирликларини солиштирилганда, бир-бирига ўхшамаслиги ва дастлабки бирикмалардан сезиларли даражада фарқланганлиги исботланган. Натижада, олинган координацион бирикмалар ўзларининг индивидуал кристалл панжарага эга эканлиги тасдиқланди (2-расм).



**2-расм. Рентгенограммалар: 1- $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ ; 2- $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ;  
 3- $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  и 4- $\text{CaA} \cdot \text{K} \cdot \text{TK} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ .**

Эркин формаид молекуласининг ИҚ-спектр ютилишидаги иккита частотаси  $1709$  ва  $1316 \text{ см}^{-1}$   $\text{C}=\text{O}$  ва  $\text{C}-\text{N}$  валент тебранишига мос келади.  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{HCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{HCONH}_2 \cdot 2,5\text{H}_2\text{O}$  комплексларида координациялашган ҳолатга ўтиши билан  $\text{C}=\text{O}$  тебраниш частотаси  $17$  ва  $15 \text{ см}^{-1}$  гача камаяди. Шу пайтда  $\text{C}=\text{N}$  тебраниш частотаси  $32$  ва  $73 \text{ см}^{-1}$  га ошади.

Тебранишдаги бу ўзгаришлар формаид молекулалари карбонил гуруҳининг кислород атоми орқали кальций ионлари билан координациялашганидан далолат беради. Формаид молекулаларини қуйидаги  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2/3\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикмаларида  $\text{C}=\text{O}$  ва  $\text{C}=\text{N}$  тебраниш частоталари таққосланганда ҳам, худди шундай координациялашгани қайд қилинди (1-жадвал).

**1-жадвал. Формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталарининг эркин молекулалари ва уларнинг кальций ацетати билан координацион бирикмаларининг ИҚ-спектр ютилишидаги характерли частоталари( $\text{cm}^{-1}$ )**

Бирикмалар	$\nu(\text{C}=\text{O})$	$\nu(\text{C}=\text{N})$	$\nu(\text{CS}), \sigma(\text{CS})$	$\nu_k, \sigma(\text{C}=\text{O})$	$\nu_{as}(\text{COO}), \nu_s(\text{COO})$
$\text{HCONH}_2$ - (ФА)	1667	1343			
$\text{CH}_3\text{CONH}_2$ - (АА)	1674	1395			
$\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ - (К)	1678	1457			
$\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ - (ТК)			729, 629		
$\text{O}_2\text{NHNCONH}_2$ - (НТК)	1701	1466			
$\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ - (АНК)	1681			1592, 1028, 700	
$\text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2$ - (БА)	1652			1577, 1024, 703	
$\text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$ - (БК)	1683			1583, 1026, 705	
$\text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH}$ - (НК)	1694			1595, 1030, 745	
$\text{CaA} \cdot 2\text{ФА} \cdot \text{H}_2\text{O}$	1692	1348			
$\text{CaA} \cdot 4\text{ФА} \cdot 2,5\text{H}_2\text{O}$	1694	1389			
$\text{CaA} \cdot 2\text{АА}$	1656	1405			
$\text{CaA} \cdot 4\text{АА} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$	1673, 1653	1395, 1421			
$\text{CaA} \cdot 2\text{К} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$	1659	1470			
$\text{CaA} \cdot 4\text{К} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$	1678, 1634	1475, 1461			
$\text{CaA} \cdot 2\text{ТК}$			725, 621		
$\text{CaA} \cdot 4\text{ТК}$			729, 616		
$\text{CaA} \cdot 2\text{НТК}$	1677	1470			
$\text{CaA} \cdot 4\text{НТК} \cdot \text{H}_2\text{O}$	1674	1471			
$\text{CaA} \cdot \text{АНК} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$	1682			1612, 1058, 1029, 703, 779	
$\text{CaA} \cdot 4\text{АНК}$	1682			1611, 1059, 1029, 703, 778	
$\text{CaA} \cdot 2\text{БА}$	1672, 1633			1574, 1026, 697	
$\text{CaA} \cdot 4\text{БА}$	1657			1577, 1025, 704	
$\text{CaA} \cdot 2\text{НК}$	1703			1606, 1030, 746	
$\text{CaA} \cdot 4\text{НК}$	1705			1606, 1031, 747	
$\text{CaA} \cdot 2\text{БК}$	1683	1393			
$\text{CaA} \cdot 4\text{БК}$	1683	1392			

Бирикмалар	$\nu(\text{C}=\text{O})$	$\nu(\text{C}=\text{N})$	$\nu(\text{CS}),$ $\sigma(\text{CS})$	$\nu_k, \sigma(\text{C}=\text{O})$	$\nu_{\text{as}}(\text{COO}),$ $\nu_{\text{s}}(\text{COO})$
CaA•ФА•АА•2H <sub>2</sub> O	1698, 1670	1397, 1348			
CaA•ФА•К•0,5H <sub>2</sub> O	1678, 1668	1473, 1348			
CaA•ФА•ТК•2/3H <sub>2</sub> O	1693	1347			
CaA•ФА•НТК•2H <sub>2</sub> O	1685, 1681	1471, 1348			
CaA•ФА•АНК•H <sub>2</sub> O	1691, 1680	1341		1631, 1022, 1053, 709, 766	
CaA •ФА•БА•H <sub>2</sub> O	1656, 1623	1352		1577, 1025, 704	
CaA •ФА•НК•H <sub>2</sub> O	1692, 1605	1453		1562, 1031, 756	
CaA•ФА•БК	1683	1393			
CaA•АА•К•H <sub>2</sub> O	1677, 1631	1469, 1420			
CaA•АА•ТК•0,5H <sub>2</sub> O	1666	1415	675, 618	670, 621	
CaA•АА•НТК	1660, 1677	1423, 1480			
CaA•АА•АНК•0,5H <sub>2</sub> O	1663, 1672	1421		1611, 1058, 1030, 703, 778	
CaA•АА•БА	1660, 1610	1409		1563, 1029, 784	
CaA•АА•НК	1665, 1629	1403		1606, 1043, 767	
CaA•АА•БК	1665, 1628	1392			
CaA•К•ТК•0,5H <sub>2</sub> O	1677	1469	674, 612		1562, 1402
CaA•К•НТК	1677, 1701	1459, 1481			1576, 1401
CaA•К•АНК•0,5H <sub>2</sub> O	1677	1470		1632, 1594, 1027, 1050, 698, 707	1582, 1403
CaA•К•БА•H <sub>2</sub> O	1676, 1629	1461		1537, 1029, 781	1563, 1409
CaA•К•НК•H <sub>2</sub> O	1674, 1628	1460		1583, 1043, 746	1582, 1415
CaA•К•БК	1663, 1631	1395			1531, 1414
CaA•ТК•НТК•0,5H <sub>2</sub> O	1702	1472	696, 627		
CaA•ТК•АНК	1700		696, 627	1634, 1610, 1031, 1050, 721, 696	
CaA•ТК•БА•H <sub>2</sub> O	1657		730, 643	1531, 1029, 704	
CaA•ТК•НК•2H <sub>2</sub> O	1697		730, 642	1605, 1031, 746	
CaA•ТК•БК	1663, 1631	1395	731, 643		
CaA•НТК•АНК•0,5H <sub>2</sub> O	1678, 1695	1473		1631, 1028, 1055, 698, 784	
CaA•НТК•БА•0,5H <sub>2</sub> O	1711, 1677	1448		1552, 1015, 703	

Бирикмалар	$\nu(\text{C=O})$	$\nu(\text{C=N})$	$\nu(\text{CS}),$ $\sigma(\text{CS})$	$\nu_k, \sigma(\text{C=O})$	$\nu_{as}(\text{COO}),$ $\nu_s(\text{COO})$
CaA•НТК•НК•Н <sub>2</sub> O	1708, 1675	1457		1606, 1031, 746	
CaA•НТК•БК	1663, 1631	1395			
CaA•АНК•БА	1708, 1675			1606, 1581, 1031, 692	
CaA•АНК•НК•0,5Н <sub>2</sub> O	1697			1606, 1029, 693, 674	
CaA•АНК•БК	1663, 1631	1395			
CaA•БА•НК•Н <sub>2</sub> O	1704, 1653			1607, 1537, 1057, 1030, 746, 692	
CaA•БА•БК	1628, 1630	1391			
CaA•НК•БК	1663, 1629	1393			

Эркин ацетамид молекуласи инфрақизил ютилиш спектри бир нечта ўзига хос частоталар билан характерланади. Улардан 1670 ва 1395  $\text{cm}^{-1}$  да, C=O ва C=N боғлари валент тебраниш частоталарига мос келади. Ацетамид молекуласининг координацияси карбонил гуруҳининг кислород атоми орқали содир бўлганда биринчи чизик камаяди. Бу пайтда, C=N боғининг частотаси қиймати ошади. Бу ўзгаришлар қуйидаги таркибли бирикмалар  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{CH}_3\text{CONH}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot 4\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  да ҳам кузатилди.

Эркин карбамид молекуласининг ИҚ-ютилиш спектрида бошқа частоталар билан бирга иккита чизик ҳам кузатилади, бу эса марказий ион ва карбамид молекуласи карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали координациялашганини тасдиқлайди. C=O ва C=N боғларининг келтирилган валент тебраниш частоталари қийматлари бир турли ва аралаш лигандли қуйидаги таркибли  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  бирикмаларида ҳам кузатилди.

Эркин тиокарбамид молекуласининг ИҚ-ютилиш спектрида 1413- $\nu(\text{CS})$ , 730-  $\nu(\text{CS})$  ва 631  $\text{cm}^{-1}$  -  $\sigma(\text{CS})$  да учта характерли частоталар кузатилади. Тиокарбамидли координацион бирикмаларда 1413- $\nu(\text{CS})$  частотасининг ўзгаришини кузатиш мумкин эмас, чунки у ацетат гуруҳидаги  $\nu(\text{COO})$  катта чизиги билан қопланган. Аммо, спектрнинг паст частотали соҳасида  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2/3\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot$

$\cdot\text{H}_2\text{NCONHNO}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  и  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$  нинг бир турли ва аралаш лигандли комплексларида  $730$  ва  $631 \text{ см}^{-1}$  соҳасида тиокарбамид молекуласининг  $1-56$  ва  $4-19 \text{ см}^{-1}$  га камайганини кузатиш мумкин. Спектрдаги тебранишларларнинг бундай ўзгаришларни тиокарбамид молекуласи кальций иони билан олтингугурт атоми орқали координациялашганлиги билан изоҳланади.

Бошқа частоталар билан бир қаторда эркин нитрокарбамид молекуласининг инфрақизил ютилиш спектри  $1704-\nu(\text{CO})$  ва  $1460-\nu(\text{CN})$  соҳасида иккита характерли частотаси кузатилади. Ушбу частоталар нитрокарбамид молекуласини карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали координациялашган пайтда ўзгаришларга учрайди.  $\text{C}=\text{O}$  боғнинг валент тебраниш частотаси пасаяди ва иккинчи частота ошади. Худди шундай ўзгаришлар  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{H}_2\text{NCONHNO}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{H}_2\text{NCONHNO}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2$  таркибли бир турли ва ралаш лигандли бирикмаларда ҳам кузатилди.

Никотинамид молекуласи ИҚ-ютилиш спектрида етарлича частоталар кузатилади ва  $n(\text{халқа})$  частота  $1593 \text{ см}^{-1}$  соҳада кузатилди, айниқса бу комплекда сезиларли даражада ошиши кузатилди.  $1029-\nu_k$  и  $703 \text{ см}^{-1}$  ( $\text{CCN}$ ) частотатлари эса халқа тебранишига мос келади. Худди шундай ўзгаришлар  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 4\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ ,  $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{H}_2\text{NCONHNO}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  таркибли бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларда ҳам кузатилди. Бу ўзгаришлар никотинамиднинг пиридин халқасидаги гетероатом азот орқали кальций иони билан координацияланишидан далолат беради (1-жадвал).


Ацетат гуруҳларининг координацияланиш характери таркиб, ацидо- ва апикал лигандларнинг ўзаро жойлашувига ва ички молекуляр водород боғларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Барча синтез қилинган бирикмаларнинг термик барқарорлиги тадқиқи қилинди. Термик эффектлар, барча термолиз оралиқларнинг иссиқлик диапазони, массанинг камайиши, умумий массанинг камайиши, ҳосил бўлувчи оралиқ маҳсулотлар таркиби ва эффектларнинг табиати аниқланди.

$\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot 2\text{HCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  бирикмасининг иссиқлик эгри чизиғида еттита эндотермик эффектлар  $123, 198, 248, 408, 527, 579, 850$  ва иккита  $527$  ва  $730^\circ\text{C}$  да экзотермик эффектлар намоён бўлди. Биринчи эндотермик эффектнинг ҳосил бўлиши  $1$  моль сув молекуласининг йўқотилиши билан изоҳланади. Кейинги иссиқлик эффектлари сувсиз бирикманинг босқичма-босқич парчаланиши билан харатерланади.  $70-130, 130-211, 211-307, 307-432, 432-553, 553-633, 633-782, 782-870^\circ\text{C}$  температура оралиқларида масса йўқотилиши мосҳолда  $6,90; 12,39; 17,45; 1,73; 19,18; 0,26; 2,92; 13,63\%$  ни

